**ТЕХНИК НАЗОРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ШАРТНОМАСИ**
**№ НДПИ-1-15345/21**

Навоий шаҳри **2022 йил «12» январ**

Бизлар ким қуйида имзо чекиб, шартнома тузувчилар, бир томондан "Буюртмачи" **"Навоий Давлат Педагогика Институти"** номидан Низом асосида иш кўрувчи ректор **Б.Б.Собиров,** иккинчи томондан "Бажарувчи" **Навоий вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Турдиев**лар мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Буюртмачи" (НДПИ)нинг 2021 йил "16" ноябрдаги 88-87-3391/05-сонли хати ва мазкур шартнома шартларига кўра, **«Навоий вилояти Навоий шаҳар Жанубий кўчаси 27-А манзилида жойлашган Навоий Давлат Педагогогика институтининг ўқув корпусини мукаммал таъмирлаш»** бўйича "Пудратчи" томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишларини "Бажарувчи" томонидан техник назорат қилиб бориш, "Буюртмачи" эса "Бажарувчи" нинг назорати учун ҳисоб-рақамига маблағ ўтказиб бериш, ҳамда қурилиши тугалланган "Объект" ни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. "Объект"нинг **2021 йил "13" ноябрдаги 5588**-сонли Тендер баённомасига кўра объектнинг қурилиш-монтаж ишлар қиймати 7 387 374 634 (етти миллиард уч юз саксон етти миллион уч юз етмиш тўрт минг олти юз ўттиз тўрт) сўмни ташкил қилади. Шунга кўра қурилиш-монтаж ишларини сифатли ва тўла ҳажмда "Бажарувчи" томонидан техник назорат қилиб бориш ишлари қиймати (тендер қийматидан 0,5%) **36 936 873 (ўттиз олти миллион тўққиз юз ўттиз олти минг саккиз юз етмиш уч)** сўмни ташкил этади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Вилоят ғазначилик бошқармасидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан сўнг, 10 кун муддат ичида шартнома қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак маблағи "Бажарувчи"нинг ҳисоб-рақамига маблағ ўтказиб беради ва жорий (70 фоиз тўлов) молиялаштириш объектда пудратчи томонидан қурилиш мантаж ишлари якунланиб, объектни фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

## III. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

3.1. Мазкур шартнома бўйича "Буюртмачи" томонидан аванс маблағи "Бажарувчи" хисоб рақамига молиялаштирилган кундан бошлаб, томонлар ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

3.2. Ишларни бажариш муддати шартнома шартларига мувофиқ томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилиб, "Объект" нинг қурилиш монтаж ишлари якунлангандан сўнг ва "Объект" нинг фойдаланишга топшириш тўғрисидаги Давлат қабул комиссиясининг далолатномаси расмийлаштирилгунга қадар амалга оширилади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. "Бажарувчи" нинг мажбуриялари:

а) "Буюртмачи" томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета хужжатлари асосида қурилиш-монтаж ишларини сифатли ва тўла ҳажмда "Пудратчи" томонидан бажарилишини назорат қилиб бориш;

б) "Пудратчи" томонидан бажарилган қурилиш монтаж ишларини ҳужжатлар асосида қабул қилиб олиб, тегишли ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда "Буюртмачи" га тақдим қилиб бориш;

в) "Буюртмачи" томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра, қурилиш монтаж ишлари жараёнида ўзгартириш ва қўшимча киритиш лозим бўлса, "Буюртмачи" билан олдиндан ёзма келишиб олиш;

г) "Объект" да ишлар лойиҳа-смета хужжатлари асосида олиб борилмаган ҳамда тегишли сифат ва ҳажмда бажарилмаган тақдирда, ушбу ишларни "Пудратчи" ҳисобидан қайта бажарилишини таъминлаш;

д) Қурилиши тугалланган "Объект" ни белгиланган тартибда қабул қилиб олишда "Буюртмачи" билан биргаликда иштирок этиш.

4.2. "Буюртмачи" нинг мажбуриятлари:

а) "Объект" да капитал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича лойиҳа-смета хужжатлари билан "Бажарувчи" ни қурилиш муддатига таъминлаш;

б) лойиҳа-смета хужжатлариасосида бажариладиган қурилиш монтаж ишлари назорат қилиб бориш учун аванс ва жорий молиялаштириб бориш;

в) "Бажарувчи" томонидан қурилиш монтаж ишлари жараёнида лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш юзасидан берган таклифларни 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиш;

д) Қурилиши тугалланган "Объект" ни "Бажарувчи" иштирокида белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олиш.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонларнинг бири шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасинин Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонун ва амалдаги бошқа қонун талаблари асосида жавобгар бўлади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Мазкур шартнома юзасидан келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қонунга кўра уларни судгача ҳал этиш юзасидан мустақил равишда тегишли чораларни кўрадилар. Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда , келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

6.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

## VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор холатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғирн, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) ёки шартномани бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажаор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонла зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ

8.1 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзолангач, (бюджет учун Ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг) қонуний кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

8.2 Шартнома бажариш муддати 01 январ 2022 йилдан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.

## IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1 Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва шартнома шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

9.3 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

## 10 ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**"БУЮРТМАЧИ"**
**Навоий Давлат Педагогика Институти**
Навоий шаҳар, Ибн Сино кўчаси 45-уй.

Ўз.Рес.Молия вазирлиги Ғазначилиги
ш.ғ.х/в: 400910860124017094100079001
Банк: МБББХККМ Тошкент шаҳри
МФО: 00014
СТИР: 200006358

_________________ **Б.Б.Собиров**

**"БАЖАРУВЧИ"**
**Навоий вилояти ҳокимлиги Капитал**
**Қурилиш инжиниринг компанияси**
Навоий шаҳар, Навоий кўчаси 63-уй,
Тел: 79-224-08-81.
х/р: ___________________________
АТИБ "Ипотека" банк Навоий вилоят филиали
СТИР:204775508, МФО:00205,
ОКОНХ:69000

_________________ **А.Турдиев**

NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI
YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI IK
X/R-20210000404297337001
IPOTEKABANK NAVOIY SHAXAR
MFO-00205 INN-204775508